



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 10-sentabr. Seshanba • 109 (31.699)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ўзбекистон — Хитой: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 8 сентябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 9 сентябрь куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислам Каримов ва Си Цзиньпин шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат махфиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислам Каримов Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга илк давлат ташрифида икки томонлама муносабатлардаги тарихий воқеа, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустақамлашиб бораётган асосларининг яна бир кўриниши сифатида қаралишини таъкидлади.

Си Цзиньпин икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигига юксак баҳо берди. Хитой ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатлари ва умумий тараққиётга хизмат қиладиган бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи

узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннахр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар чой, пахта, ипак, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик муносабатларининг барча йўналишларини қамраб олган. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган шахсий мулоқотлари бунда муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва ташрифлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши ташрифнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Умуман, ташриф якунида 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 45 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда икки мамлакат манфаатларига оид энг муҳим масалаларда бир-

бирини сиёсий қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигини тобора кенгайтириб келмоқда.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустақамлаш бора-сида ҳам ўзаро фаол ҳамкорлик қилмоқда. Иккала мамлакатнинг қўллаб минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувлари бир-бирига ўхшаш ёки яқин эканлиги таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Хитой Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши қўллар ўртасида муросага эришиш бу борадаги ягона тўғри йўл, деб ҳисоблайди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак кадрлаштини таъкидлади. Ўзбекистон Хитой билан муносабатларни барча соҳаларда ривожлантириш, айниқса, энергетика, транспорт, савдо, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонга вақт синовидан ўтган ишончли дўст, яқин қўшни ва стратегик ҳамкор сифатида қарашини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 21 йил мобайнида икки томонлама алоқалар изчил сурувда ривожланиб келаётир. Ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан натижаларга эришилди, бир қатор йирик қўшма инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда.)

«Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».

ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи — 2013»



«Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни истайман»

У тонг отишини қузатишни яхши кўради. Шунинг учун бугун ҳам эрта уйғонди. Тинч-осуда Тошкент узра тонг ёришиши «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг юқори қаватидан бошқача кўринар экан... Осмон топ-тоза, мовий, қуёш нури борган сайин шаҳарни чулғаб олмоқда. У «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласини қўлига олиб, яна бир марта ўқишга тутинди... Бироз ўтиб соатига қаради, вақт бўлди. Пастда ҳамма тўпланаётгандир... У ҳаяжон билан лифт томон юрди...

⇒ 3

Тиббий маданият



СОҒЛОМ ИНСОН

барча орзу-мақсадларига эришади ⇒ 4

Навоий вилояти:

Эркин индустриал-иқтисодий зона

имкониятлари кенгаймоқда

Қўлай инвестициявий муҳит шароитида фаолият юритаётган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси Ўзбекистон номини дунёга танитиб, давлатимизга хорижий инвестициялар жалб этилишига хизмат қилмоқда.

Фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётган ушбу ҳудудда ўтган вақт мобайнида 12 та янги корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2015 йилга қадар умумий қиймати 270 миллион АҚШ долларилик яна 24 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Маълумки, юртимизда автомобилсозлик саноати жадал тарақ-

қий этмоқда. Натижада иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган табиий газ ёнилғисига ҳам талаб ортмоқда. Бу эса ўз навбатида, автомобиллар учун газ баллонлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари ташкил этилишига асос бўлаяпти.

Яқинда ҳудудда автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона ишга тушди. Энг сўнгги русумдаги ускуна-

Бандлик

лар билан жиҳозланган мазкур корхонада 55 литрдан 154 литргача бўлган юқори босимли метан газ баллонлари ишлаб чиқарилади.

— Ҳозирги кунда бу ерда 100 нафар киши иш билан таъминланди, — дейди **қўшма корхона инженер-технологии Саидолим Саидхорова**. — Корхонамиз йилга 120 минг донга газ балон ишлаб чиқариш қувватига эга. Шу пайтгача республикамизга юқори босимли метан газ баллонлари, асосан, хориждан келтириларди. Эндиликда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот ички эhti-ёлларимизни қондириш билан бирга уларни қўшни давлатлар, жумладан, МДХ мамлакатларига ҳам экспорт қилиш имкониятини беради. Келажақда ушбу заводда нафақат метан, балки, пропан, бутан ва кислород газ баллонлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Алишер ТОШМАТОВ,
ЎЗХДП Сирдарё
вилоят кенгаши
раиси,
халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги
депутатлик гуруҳи
раҳбари:



— Партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимиз вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўишни, аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишни асосий вазифаларидан, деб билади.

Шу боис халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг жорий йил 22 январда бўлиб ўтган сессиясида ЎЗХДП депутатлик гуруҳи томонидан вилоят туман ва шаҳарларида замонавий йўл коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш орқали маҳаллани обод этиш, бу борада мутасадди идоралар, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъулиятини янада ошириш юзасидан депутатлик назоратини ўрнатиш тўғрисидаги масала киритилди ва сессия қарори қабул қилинди. Бугунги кунда мазкур қарор ижроси устидан изчил депутатлик назорати ўрнатилган.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Ўзбекистон — Хитой: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

ХХР Раиси Хитой олий даражадаги уршувлар чоғида эришилган стратегик келишувларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон билан бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган.

Икки мамлакат ўртасида ҳукуматлар даражасидаги делегацияларнинг ўзаро таширлари мунтазамлик касб этмоқда. 2004-2013 йилларда Ўзбекистон ва Хитой ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 10 марта ба сийсий маслаҳатлашувлар ўтказилди.

2011 йилнинг октябрь ойида Пекинда Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Қўмита доирасида савдо-иқтисодий ва сармоявий, ҳафсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича олти қўйи қўмитанинг йиғилишлари ўтказилди.

Фаол алоқалар, жумладан, БМТ, ШХТ доирасида долзарб масалалар юзасидан ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Пекин ўрта Осиёда экологик мувозанатни бузиши мумкин бўлган гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмасликка оид позициясини тасдиқлади, минтақадаги трансгеографик дарёлардан оқибатда фойдаланиш тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Хитойни ҳудудий яхлитлик, «уч ёзуз куч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида доим қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг устувор мақсадли вазифалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид истиқболли масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Хитой билан стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенгликка асосланган кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратади.

Ўзаро савдо айланмаси барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, кейинги беш йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баробар ошди. 2007 йилда бу кўрсаткич 904 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3,4 миллиардга етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 2,3 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59 фоиз кўп демакдир.

Сармоявий ҳамкорлик икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган но-

хомашё ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Бугун томонлар турли лойиҳалар, авваламбор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Мамлакатларимизда Хитой капитали иш-тироқидаги 455 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 70 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Юрти-мизда Хитойнинг 71 компанияси ва-колатхонаси ишлаб турибди.

2002 йилдан бошлаб Хитой инвестициялари ва кредитлари иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард доллар бўлган 83 инвестиция лойиҳаси, шу жумладан, 5,75 миллиард доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилган 52 лойиҳа, 992,4 миллион долларлик имтиёзли кредитлар йўналтирилган 31 лойиҳа амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташифи чоғида ўттиздан ортққ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ҳужжатлар имзоланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ушбу ташифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон 2011 йилда ХХР раҳбарияти томонидан илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркинни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Жорий йилнинг март ойида ушбу парк «Жиззах» махсус индустриал зонаси шаклида ташкил этилди. Мазкур паркиннинг Сирдарё вилоятида филиали бўлади. Июнь ойидан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудида мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ушбу таширф давомида Хитойнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш орқали мазкур парк ҳудудида юқори технологияларга асосланган қўшма корхоналарни очиб бўйича 14 келишувга эришилди.

Бир қатор Хитой компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиб ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (СНП) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Иқкала мамлакат Хитойга узлуksиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи Ўзбекистон — Хитой газ қувурини куриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик

лойиҳа деб билади. Ташриф давомида имзоланган Ўзбекистон — Хитой газ қувурини куриш ва ишга тушириш тамойиллари тўғрисидаги битимга қўшимча протокол йилига 30 миллиард куб метр газ етказиб бериш қувватига эга тўртинчи линия қурилишини назарда тутди.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқилини таъминлайди. Ўзбекистон Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлайди. Ангрен-Поп йўналиши бўйича темир йўл қурилиши бу борадаги ишларнинг маантиқий давоми бўлади. Бу йўл Хитойнинг Жанубий Осиё мамлакатларига тўғридан-тўғри чиқилиш учун имконият яратди. Жорий йилнинг июнь ойида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида доводдан туннель орқали ўтдиган Ангрен-Поп темир йўл линиясини куриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик, хусусан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан алоқалар фаол ривожланмоқда. Хитой молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан ошди. Улар мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларига йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 2011, 2012 йилларда Пекингга таширфлари доирасида эришилган келишувларга мувофиқ, ХХРнинг имтиёзли кредитлари асосида мамлакатимиз кимё саноати, энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиғи, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қарийб 400,6 миллион доллар миқдоридаги 7 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Хитой раҳбарининг мазкур таширфи чоғида Ўзбекистон тикланиши ва тараққиёт жамғармаси билан Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида 11,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги истиқболли инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш бўйича битим имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасида

маданият, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2003 йилдан Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган 6-жаҳон хайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниятурачи Камолиддин Бехзод хайкали очилди. Бу ўзбек маданияти намояндасига Хитойда ўрнатилган илк хайкалди.

Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда «Ўзбекистон — Хитой» ва «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институтини негизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Хитой Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги дастур маданият соҳасидаги алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. 2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. Жорий йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида «Ўзбекистоннинг таниқли расомлари асарлари» бадиий кўргазмалари ташкил этилди.

Умуман, 2012-2013 йилларда Хитойда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва санъатига бағишланган йиғирмадан ортққ тадбир ўтказилди. Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндаларининг қатор ўзаро таширфлари амалга оширилди. Жумладан, хитойлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали, «Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Таълим соҳасида давлатлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашуш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтда ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида ХХР ҳукумати 2012-2013 ўқув йилида Ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетидеда ўзбекистонлик етмишга яқин талаба тахсил олмоқда.

Таширф доирасида имзоланган Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эъти-

бор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига Хитой фуқароларининг гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат макомини бериш жараёни бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти «China Outbound Travel & Tourism Market-2013» (апрель, Пекин) ҳамда «WTF — 2013» (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намоиш этилди.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислон Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда икки давлат раҳбарлари бугун томонлар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ва муҳокамалар ўзаро тушуниш, ишчанлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Уларнинг натижалари муҳокама қилинган масалаларнинг аксарияти бўйича томонларнинг позицияси ўхшаш ва яқинлигини намоян этди. Икки давлат раҳбарлари эришилган келишувлар Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу таширф Ўзбекистон-Хитой муносабатларида яна бир муҳим босқич бўлгани қайд этилди. Томонлар изчил ривожланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни юксак қадрлайди. Музокаралар замонавий тараққиётнинг бир қатор долзарб йўналишлари бўйича, жумладан, «уч ёзуз куч»га қарши ҳамкорликда курашиш зарурлиги, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича томонларнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор намоян этди. Томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга тайёр эканлигини билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислон Каримов ва Си Цзиньпин Мустақиллик майдонига таширф буюрди. Олий мартабали меҳмон хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Хитой раҳбари Президент Ислон Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонидеда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

ХХР Раиси Олий Мажлис Сенатига таширф буюриб, парламентимиз юқори палатаси фаолияти билан танишди. Сенат Раиси Илгизар Собиров билан учрашув чоғида олий мартабали меҳмон Сенат фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан баътафсил таништирилди.

Шу куни Си Цзиньпин пойтахтимизнинг энг асосий диққатга сазовор жойларидан бири — Темирийлар тарихи давлат музейига таширф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томоша қилди.

ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат таширфи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.**

Семинар

Бўхорода Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Долзарб мавзуга бағишланди

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳукукий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойишига мувофиқ Бўхоро вилоятида қонун лойиҳаси синовида доир ҳукукий эксперимент ўтказилмоқда.

Вилоятда ҳукукий эксперимент доирасида киритилган 74 муассаса, бошқарма ва ташкилотлар ўзининг веб-сайтига ёки Республика ташкилоти веб-сайтида ўз веб-сайтига эга бўлиб, фаолиятини очиклик, шаффофлик тамойиллари асосида ёритишга интиломоқда.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси-

ни таъминлашда ижтимоий шериклик, улар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатилишда ННТнинг ўрни, ОАВ билан ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ва «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти ҳақида фикр алмашилди.

Семинарда ислохотлар ошқоралиги ва очиклигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фуқаролик институтлари тизимидаги ролини кучайтириш, жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш учун янги ахборот технологияларини қўллаш, журналистларнинг касб маҳоратини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Самарқанд шаҳрида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятдан аҳолини хабардор этиш ва ўзаро яқинлиқни таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, кейинги йилларда бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларининг иш-лаб чиқилгани фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг эркин фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу жараёнларни кенг ёритиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятдан аҳолини хабардор этиш ва ўзаро яқинлиқни таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда ОАВ ва интернет-ресурслардан самарали фойдаланиш қоидалари, ННТ ва ОАВ соҳаларини ҳукукий ва молиявий қўллаб-қувватлаш йўллари, шакллари, ривожланиш тенденциялари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти самардорлигини ошириш масалалари, ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда ижтимоий шериклик, улар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатилишда ННТнинг ўрни, уларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги каби мавзуларда мутахассислар томонидан тақдиротлар ўтказилди.

(ЎЗА)

«Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни истайман»



В. Гончаренко ошган суратлар.

ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТ

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари Хотира майдонидаги Мотамсаро Она ва Мустақиллик майдонидаги Бахтиёр Она ҳайкаллари пойига гулдасталар қўйишди. Ана шу муқаддас майдонда туриб, у кўп нарсани ҳис этди.



Дунё ижтимоий-сиёсий майдонидаги вазият, Марказий Осиёда тинчлик-осойишталикни таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича эрталаб ўқиган рисолаида айтилган фикрлар маъно-моҳиятини чуқурроқ англай бошлади.

Термиз давлат университети талабаси, «Ёш сиёсатчи — 2013» танловини республика босқичи иштирокчиси Суннатилла Бозорбоев ана шундай ўй-хаёл ва ишонч билан баҳсга киришди. Танловнинг бошқа иштирокчилари ҳам юқори натижаларни кўрсатишга аҳд қилганди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танлови «МЕН ВАТАНИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ИСТАЙМАН!» шиори остида ташкил этилди.

2008 йилдан буён ўтказилаётган танлов ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Танлов шартларини белгилашда ЎзХДП Дастури ва Сайлов-олди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, юртимизни ривожлантириш жараёнига дахлдорлик туйғусини кучайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Танловнинг дастлабки йилда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарла-

назар, ўз олдига қўйган мақсади томон дадил интилоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларнинг билимлари ва фаоллигини оширишда янада фаоллик кўрсатиши зарур, деб ўйлайман. Демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ёшлар иштирокини кучайтириш, зукко, ташаббускор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимлари, дунёқарабини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўлайлаштириш, аниқликка, муҳим.

Шунинг алоҳида қайд этиш лозимики, бугунги кунда партия-миз сафида бирлашган 380 мингдан зиёд аъзоларимизнинг 31 фоизи, яъни қарийб 116 минг нафари ёшлар. Партия-мизга аъзо бўлиш, қолаверса, кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдираётган йигит-қизлар сафининг йилдан-йилга ортиб бораётгани ёшлар ташаббускорлиги юқори эканидан далolatдор.

Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ғолибликни қўлга киритган 14 нафар иштирокчи республика босқичида 3 та шарт бўйича беллашибди.

— Танловни ўтказишдан мақсад фақат ғолиб ва совриндорларни аниқлаш эмас, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам КОМИЛОВ**. — Асосий мақсадимиз ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқишини рағбатлантириш, барча ҳудудлардаги партия-миз ёш аъзолари ўртасида партия-мизнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасида фикр ва таъриба алмашиш имконини берувчи муҳит яратишдан иборат. Икки кун давомида қатнашчиларнинг бир-бирига қаерда яшашни, қайси соҳада ўқишни ёки ишлашдан қатъи назар, ёшларимиз ҳаммаси чуқур билимга эгаллигини, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшишга қатъий эътиқоди ва иродаси борлигини кузатдик. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, кўрик-танлов иштирокчилари келгусида вилоят «Истиқбол» қаноти раҳбар лавозимларида фаолиятларини давом эттирадilar.

— Кўрик-танлов ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди **Олий Мақлис Қонунчилик палатаси депутати,**

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ҳакамлар ҳайъати аъзоси Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВЕВ.

— Танлов шартларига асосан иштирокчилар қабул қилинган қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғоялари, сиёсий партиялар ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида етарли билимга эга бўлишлари керак. Ёшлар танловга жиддий тайёргарлик кўришди. Билимдонлик синови шартда аксарият иштирокчилар билетни олиб, саволларни ўқиши биланок жавоб беришга ошиқибди. Уларнинг билимга чанқоқлиги қиёни қувонтиради.

Танловнинг барча ҳудудларда ўтган саралаш босқичлари бугун ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бефарқ эмаслигини кўрсатди, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохрух АБДУРАХМОНОВ**. — Хусусан, танловнинг Андижон вилоят босқичида ёшларнинг хунарандчилиги ва касаначиликни ривожлантириш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини барпо этишга қаратилган қўллаб-қўйишлари кўриб чиқилди. Сурхондарё вилоятида эса мазкур соҳаларда иш ўринлари яратиш, тикув цехи ва таъмирлаш ус-тахоналари, нововойхона, гўшт ва сутни қайта ишлаш, қишлоқ аҳолиси учун замонавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ лойиҳалар тақдим этилди. **Қувонарлиси, туман ва шаҳар босқичларида истиқболли деб топилган айрим лойиҳалар партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, шунингдек, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар қўмағи билан амалга ошди, янги иш ўринлари яратилди.**

Икки кун давомида иштирокчилар барча шартлар бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этишди. «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танлови якунига етди. Учта шартда кўрсатган натижаларига кўра, Наманган вилояти вакили **Мўтабар ҚОЗИЕВА** биринчи, Сирдарё вилояти вакили **Мадина Абдулломова** иккинчи, Тошкент шаҳри вакили **Умид Хошимов** учинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолиб ва совриндорларга диплом, турли номинациялар бўйича сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Биринчи шартда иштирокчилар туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳусусиятларини таҳлил қилган ҳолда, ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар тақдим этиши керак.

Шу ўринда айтиш жоизки, **бу йил танловнинг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этиш учун партия-миз ёш аъзолари қарийб 12 мингга яқин лойиҳа ташаббусини тақдим этишди.** Улардан энг

истиқболли, деб топилган 200 таси танловнинг ҳудудий босқичларида қатнашди.

Иштирокчилар ўз лойиҳаларининг молиявий асослари, уларнинг амалга ошириш ва ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида

батафсил маълумот беришди.

Барча лойиҳаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хуна колледжлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, қишлоқларда замонавий инфра-тузилмани шакллантириш каби устувор масалаларга урғу берилди.

Улмекин ШУМАНОВА, Бухоро вилояти:

— Қоровулбозорданман. Лойиҳам тош кесиш цехи фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида. Туманимиздаги Навбахор ва Чўлқувар қишлоқ фуқаролар йигинлари ҳудудида жойлашган қир-адирларда қурилишда кенг фойдаланиш мумкин бўлган тошлар кўп. Уларни қурилиш-таъмирлашда ишлатишга қўлай шакл ва ўлчамда кесиш билан шуғулланидиган цех ташкил қилиш мумкин. Тақдим этаётган лойиҳамда шундай цех фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Мақсад — иморатлар қурилишида безак сифатида ишлатиладиган махсус тошларни тайёрлаш. Таҳлиллар, ҳисоб-китобларга кўра, цех фаолиятини йўлга қўйиш учун 60 миллион сўмга яқин маблағ кетади. Яъни, цех қурилишига 25 миллион сўм, керакли асбоб-ускуналар харид қилиш ва ўрнатишга 20 миллион сўм, бошқа харажатлар учун 15 миллион сўм кетади. Цех ишга тушса, 8 нафар касб-хуна колледж битирувчисини иш билан таъминлаш мумкин...




Хурлиман НУРЖАНОВА, Қоракалпоғистон Республикаси:



— Лойиҳамда ҳар томонлама фойдали масала кўзда тутилган. Атроф-муҳитга жиддий зарар етказадиган турли пластмасса буюмлар, полиэтилен халтачалар, идишлар ва бошқа чиқиндиларни қайта ишлаш, ҳўжаликда кенг фойдаланиш учун хилма-хил иккиламчи маҳсулотлар

ишлаб чиқаришдан иборат. Унинг амалга ошиши чиқиндиларнинг экологияга салбий таъсирини камайтириш, арзон пластмасса маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, юқори ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари яратиш имконини беради...

Мамлакат ЖҲРАЕВА, Андижон вилояти:



— «Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» Қонун асосида лойиҳа ишлаб чиқдим. У «istiqbolnuri.uz» интернет сайтини яратишни ўз ичига олади. Бундан мақсад «Истиқбол» ёшлар қаноти учун махсус веб-сайт очиш, ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва фаоллигини оширишга кўмаклашиш, Халқ демократик партияси ғояларини таъсирчан

йўллар билан ёшлар орасида янада кенгроқ тарғиб қилишдир.

Сайт дизайнида, ишлаш тартибидан фойдаланувчиларнинг ёши, қизиқликлари алоҳида ҳисобга олинади. Хусусан, турли мавзуларни муҳокама қилиш, тақлиф бериш, фикр-мулоҳаза алмашиш имкониятлари яратилади. Бугунги ёшлар психологияси ўзига хос, уларнинг эътиборини тортиш, қизиқтириш учун тарғиб-бот-тушунтириш воситаларини тақомиллаштириш устида мунтазам ва изчил иш олиб бориш лозим...



Фарҳод АМИНОВ, Фарғона вилояти:




— Бу йил «Ёш сиёсатчи» юқори савидада ташкил қилинди. Лойиҳа тақдимотидаги чиқишларни залдаги ёшлар катта қизиқиш билан кузатишди.

Ҳудудларни ривожлантириш, барқарор ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қандай технология ва андозалардан фойдаланиш зарур? Ғояни қай таразда амалга ошириш мумкин? Яра-

тиладиган иш ўринлари доимий бўлишининг кафолатлари қандай таъминланади?

Ёш сиёсатчилар ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз лойиҳаларини тақдим этишди. Мен аёлларни соғломлаштириш маркази ташкил этиш ғояси билан чиқдим. Танловга тақдим этган лойиҳамни келгусида амалга ошириш ниятидаман.

Аброр ХОЛБОВЕВ, Қашқадарё вилояти:



— Иккинчи — билимдонлик синови шартида сиёсат ва ҳуқуқ йўналишидаги саволларга жавоб бериш керак эди. Бу шартга тайёргарлик жараёнида мамлакатимиз қонунчилигини, Конституция-мизни, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни, сиёсат-шунослик дарсликларини ва ҳуқуқий адабиётларни чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Қонунларни диққат билан ўқиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини, ҳуқуқларимизни таъминлашда уларнинг аҳамиятини янада тереңроқ тушунишга

ёрдам беради. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш жараёнида дунё, давлатлар ва инсон ҳақидаги тасаввур, дунёқараиш янада кенгайди.

Кучли фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шартларидан бири фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданияти юқори бўлишидир. Шундай экан, қонунларни билиш, дунёда ва мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан доимий равишда хабардор бўлиб бориш ҳаммамиз учун муҳим, деб ўйлайман.



Мўтабар ҚОЗИЕВА, Наманган вилояти, ЎзХДП «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танлови ғолиби:



(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Танловда иштирок этишдан мақсадим, аввало, ўз билимларимни синовдан ўтказиш, бошқа вилоятлардаги тенгдошларим билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш, улар билан дўстлашиш эди. «Ёш сиёсатчи» бу имкониятни берганидан хурсандман. Сиёсий-ҳуқуқий билимларимни мустақамлашда, ўзимга ишончим ортишида танлов менга катта ёрдам берди. Келгусида депутатликка номзодимни қўйиш, туманимизни ривожлантириш бўйича ташаббуслар билан чиқиш ниятим бор.

Шаҳноза АЛИЕВА, Навоий вилояти:



— Кармана туманидаги 28-мактабда яқинда иш бошладим. Аудиторияга фикримни аниқ-равшан етказишга қўйналар эдим. Бу камчиликдан қўтилиш, ўзимга бўлган ишончини мустақамлаш учун «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида қатнашдим. Аввалига жуда ҳаяжонландим. «Ҳаммаси ўзимга боғлиқ, бу менинг қўлимдан келади», деб ўзимга ўзим далда бердим. Вилот босқичида қийинчилик билан ғалаба қозондим. Республика босқичида тингловчилар анча кўп, аудитория катта бўлишига қарамай, танловнинг учинчи — нотиклик санъати шартини ортиқча ҳаяжонсиз ўтказдим. Энди ўзимга ишончим ортди. Лекин бундан кейин янада кўпроқ ўқишим, изланишим кераклигини англайдим.

●●●

«Ўзим истиқомат қилаётган ҳудудни ривожлантириш, муайян ижтимоий масалани ҳал қилиш учун қандай ташаббуслар билан чиқиш мумкин? Истиқболли лойиҳа тузиш ва уни амалга ошириш учун нима қилишим керак?». «Ёш сиёсатчи» танловининг барча босқичларида иштирок этган 11 мингдан ортқ ёшлар ана шу саволлар ҳақида ўйлаб қўришди. Имкон қадар жавоб ҳам топилди. Демак, ижтимоий-иқтисодий фаоллик кўрсатишга интилувчан ёшлар сафи янада кенгайди.

... Суннатилла танловда муваффақиятли қатнашди, «Энг билимдон иштирокчи» бўлди... Танлов шартлари якунига етди, аммо қўдалар ўша-ўша: Ватан равнақига ҳисса қўйиш учун фақат олдинга интилиш, ҳеч қачон тўхтаб қолмаслик керак.

Тўлқин ТҲАХОНОВ, Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари. Суратлар муаллифи Санжар ШОТҲАҲОНОВ.

